

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 22 июнь. Шанба №53 (914) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗГАРИШЛАР ҲАЁТБАХШ, ИШОНЧ ЭСА МУСТАҲҚАМ

Халқимиз азалдан ҳар бир байрамни кўтаринки руҳда кутиб олишга одатланган. Айниқса, миллатимизга озодлик ва ҳурликни, дунёда тенглар ичра тенг бўлиш бахтини насиб этган Мустақиллик байрами юртимизда ўзгача шоду хуррамлик, кўтаринкилик билан нишонланади.



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан руҳланган андижонликлар ҳам энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди.

Вилоят ва туман марказлари кун сайин ўзгача қиёфа касб этипти. Янги бинолар, равон кўчалар ва текис йўллар фаровонлик ҳамда ҳамжиҳатлик рамзи сифатида кўз ўнгингизда намойи бўлмақда.

— Қарорни ўқиб, ундаги қимматли

фиқр ва мулоҳазалардан қалбим фахрифтхорга тўлди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси Икромиддин Валиев. — Айни пайтда вилоятимизнинг барча маҳаллаларида истиқболнинг йигирма икки йиллик тўйини юксак савияда ўтказиш учун ободлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари қизгин паллага кирган. Энг муҳими, аҳолининг ўзи бу ишларда ташаббус кўрсатиб, ҳудудлар озодаллигига ҳисса қўшмоқда.

Бугун ана шу орзу-мақсадлар йўлида катта ютуқлар қўлга киритилаётгани барчага аён. Кейинги тўрт йил ичида вилоятнинг 89 та мавзесида 2 минг 115 та намунали уй-жой барпо этилиб, қўйлаб оилалар шаҳар шариотидан қолишмайдиган ҳовилаларга кўчиб кирди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай янги массивларнинг инфратузилмасини шакллантириш учун 100 км. сув тармоғи, 61 км. электр энергияси, 76 км. табиий газ қувури тортилди. Яна 56 км. масофада ички йўллар асфальтланди.

Бугун вилоят марказининг Истиқлол, Бобур, Миллий тикланиш ва Навоий номидаги шохқўчаларида олиб борилаётган ободончилик ишлари нафақат шаҳар аҳлини, айни пайтда хорижлик меҳмонларни ҳам лол қолдирапти.

> [2]

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

аҳоли манфаати йўлида таъминланиши муқаррардир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларга муносиб ҳисса қўшиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ҳудудлар, хусусан, фуқаролар йиғинлари инфратузилмасини ривожлантиришда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Бугунги кунда сайлов округларидан халқ депутатлари Боев тумани Кенгашига сайланган 30 нафар депутат ўз фаолияти доирасида қўйлаб ҳудудий муаммоларни бартараф этишда ибрат кўрсатмоқда. Улар сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ўз вақтида бартараф этишда жонбонлик кўрсатмоқдалар.

— Туман Кенгаши депутатлари билан бўлишимиз ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Боев тумани

бўлиммаси раиси Р.Анорбоев. — Айниқса, депутатларимиз ўзлари сайланган округлардаги фуқаролар йиғинлари фаолияти доирасида қўйлаб ҳудудий муаммоларни бартараф этишда ибрат кўрсатмоқдалар. Масалан, туман маркази билан қишлоқлар ўртасидаги йўлларни таъмирлаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашда депутат сўровномалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

> [2]

МУНОСАБАТ

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ФАРОВОНЛИК ГАРОВИДИР

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига қилган сафарлари доирасида қишлоғимиздаги «Жавлонбек» фермер хўжалиги даласида бўлиб ўтган учрашув йиғинимиз аҳли учун унутилмас воқеа бўлди.

Юртбошимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, аҳолига қулайликлар яратиш, ёшлар тарбияси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги борасида барчамизнинг кўнгилмиздаги гапларни айтди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, моддий манфаатдорлик яхши жойда иш унуми юқо-

ри бўлади. Фермерларимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш буйича тузган шартномаларини ортиси билан бажариб, яхши фойда олишаётган. Давлатимиз томонидан уларни қўлаб-қувватлаш мақсадида кўрсатилаётган гамхўрлик нафақат фермер манфаатларига, балки мамлакатимиз, халқимиз фаровонлигига ҳам хизмат қилмоқда. Фермер хўжалик-

ларини ривожлантириш борасидаги муҳим ислохотлар қишлоғимизда ҳам ўз ифодасини топтоқда. Ҳозирги кунда ҳудудимиздаги 825 та оилада яшовчи 5,5 мингдан зиёд аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондира оладиган хизмат муассасаларимиз капитал таъмирдан чиқарилди. Фарзандларимиз кўпгина қулайликларга эга, шиша хоналарда таълим-тарбия олаётган.

Сунги йилларда қишлоқ фуқаролар йиғинида ободонлаштириш, аҳолига коммунал ва маҳаллий қулайликлар яратиш буйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилади. Кўнчилик янги ва замонавий ҳовилаларга кўчиб чиқ-

ди. Ҳудудимизда намунавий лойиҳа асосида 40 та уй қурилади, 1 км. га яқин ичимлик суви тармоғи таъмирланди.

Сир эмас, ҳудуд ободлиги йиғин фаолларининг ташаббускорлигига боғлиқ. Бу масалада улар эътиборини аҳолининг ҳаётини яна бир бор назоратдан ўтказиб, аёз кунлари панд бериши мумкин бўлган қувур ва бошқа тизимларни янгилашмоқда. Олтига унинг кириш йўлақларида пардоз ишлари бажарилиб, унга унинг томи таъмирланяпти.

Жорий йилда фуқароларга имтиёзли кредит беришдаги фаолият сабабли, 13 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун катта қулайликлар яратилмоқда. Бир вақтлар битта аралаш моллар дўконидан бошқа савдо иншоотига эга бўлмаган қишлоғи-

мизда ҳозирги пайтда 12 та хусусий дўкон, 3 та маҳаллий хизмат кўрсатиш шохобчаси, 4 та новвойхона ишлаб турибди. Тикувчилик цехида чевар аёллар чиройли ва бежирим кийим-кечаклар тикиб, туман миқёсида буюртмалар қабул қилмоқда.

Тадбиркорлар янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Обод турмуш йилида қишлоқ марказида замонавий тўйхона, гузар, маҳаллий хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда. Бунинг натижасида 20 га яқин коллеж битирувчилари иш билан таъминланади.

Назаримда, буларнинг барчаси қишлоқда осойишта ва фаровон ҳаёт ҳужумронлигидан далолат. Мамлакатимизда амалга оши-

рилаётган ислохотларнинг самарасини мана шу каби масканларнинг кун сайин обод бўлиб бораётганидан кўриб турибмиз.

Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар асосида ҳудудимизни янада ободлаштириш, кишиларга зарур қулайликлар яратиш, ёшларимизни Ватанга муносиб, баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун бор куч-гайратимизни сафарбар қиламиз. Бунинг учун йиғинимизда барча зарур имкониятлар мавжуд.

Товбой СОЛИЕВ,
Жиззах вилояти
Пахтакор туманидаги
Чаманзор қишлоқ
фуқаролар йиғини раиси.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ

У.А. Сураиқ

ИБРАТЛИ ТАШАББУС ИСТИҚБОЛМИ ЛОЙИҲАГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Олтириқ туманидаги Тинчлик шаҳарча фуқаролар йиғини аҳоли зич жойлашган, кўпмиллатли ҳудудлардан. Бу ерда тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали ёшлар ва эҳтиёжманд оила фарзандларини иш билан таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришиляпти.

Ҳудудда кичик бизнеснинг тараққи этишида йиғин қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоларининг ҳам хизмати катта. Улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни тарихоти яхши йўлга қўйилган.

Жорий йилда маҳалла ҳудудида тад-

биркор Гайрат Қосимов ташаббуси билан фаолияти йўлга қўйилган «Ҳамза-экспорттекстиль» корхонасида 50 нафардан ортиқ киши ишла буюди.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Бу ерда табиий пахта толасидан тайёрланаётган бежирим трикотаж буюмлари ўз харидорини топиб улгурди. Корхона Москва шаҳрида ўз

савдо уйига эга. Мутахассислар эътирофига қўра, бу ерда ҳар ойда 20 минг АҚШ доллари миқдоридagi тайёр маҳсулот сотилади.

— Янги корхона касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун кафолатли иш ўринлари яратиш имконини берди, — дейди Тинчлик шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадjon Қозоқов. — Айни кунда замонавий йиғирув цехи қуриш учун «Алоқабанк»нинг Фарғона бўлими томонидан 750 минг АҚШ доллари миқдоридa банк кредитлари олинди. Бу борадаги ишлар поёнига етган, иш ўринлари сови янада кўпаяди. Яқинда ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида Хитойдан 33 та замонавий тикув машинаси олиб келинди.

> [3]

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

СИФАТ ВА НАЗОРАТ — БИРЛАМЧИ ОМИЛ

Халқимизда: «Қиш ғамини ёзда е», деган нақл бор. Бир неча минг йиллик ҳаётий тажриба асосида вуқудга келган мазкур ибора моҳиятини англаган Бухоро шаҳридаги «Кўкча» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ёзнинг жазирама кунлариданоқ бошлаб юборишди.

Шаҳардаги «Наврўз», «Бунёдкор» ҳамда «Беҳиштиён» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуддаги 24 та уйга хизмат кўрсатаётган ширкат аъзолари хонадонларини қиш мавсумига шайлишни яна бир бор назоратдан ўтказиб, аёз кунлари панд бериши мумкин бўлган қувур ва бошқа тизимларни янгилашмоқда. Олтига унинг кириш йўлақларида пардоз ишлари бажарилиб, унга унинг томи таъмирланяпти.



ЮРТИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Мухтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамоллигида кейинги йилларда Наманган шаҳрида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўриб, нияоятда кувондик. Кенг ва равон йўллар, замонавий услубда барпо этилган ва қайта таъмирланган муҳташам бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди. Эътиборли жиҳати шундаки, вилоят марказида бошланган улкан ўзгаришлар айни вақтда Наманганнинг барча туманларида изчил давом эттирилмоқда. Шу жумладан, Норин тумани ҳам сунги икки йил ичида таниб бўлмаас даражада ўзгарди.

Аслида, Норин атамаси «чиройли, гузар, ҳушманзара жой» деган маъноларни билдиради. Ана шу таърифга яраша манзара айни истиқбол йилларида яратилди, десак муболага бўлмайди. Хусусан, туман маркази ҳисобланмиш Ҳаққулбод шаҳарчасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар қанча эътирофга лойиқ. Айниқса, жорий йилда Ўзбекистон, Беруний номидаги кўчалар тамоман янгича қиёфа касб этди. Марказий йўлнинг икки четида ўнлаб андидан-янги бинолар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эрта баҳорда Ҳаққулбод чиройини янада очувчи манзарали дархат ҳамда гул кўчатлари экилди. Натижада бугун Норинга ташриф буюрган ҳар қандай меҳмоннинг кўнгли марказдаги олашумул ишлардан тоғдек кўтариллади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар жабҳадаги ободликни таъминлашда тумандаги барча маҳаллалар фаоллари, айниқса, тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта. Хусусан, Фазлиддин Абдуназаров Ўзбекистон кўчасида аҳолига маҳаллий хизмат кўрсатиш мажмуосини бунёд этган бўлса, Абдуолим Мўминов ҳам уяли алоқа тизимига хизмат кўрсатувчи шохобча фаолиятини йўлга қўйди. Гумоюнжон Бердиев ташкил этган компьютер хизмати ва канцелярия моллари савдосидан шаҳарча аҳли мамун. Беруний номидаги кўчада фойдаланишга топширилган «Осиё» тантаналар мажмуоси хусусий тадбиркор Зорифахон Ботированинг 200 миллион сўмлик маблағи эвазига бунёд этилган. Ҳудди шу кўчада тадбиркор Ботиржон Раҳмонов интернет-кафе, китоб дўкони ва ўйга яқин маҳаллий хизмат турларини ўз ичига олган муҳташам мажмуани фойдаланишга топширди. Қуллас, бу каби бунёдкорлик ишлари ҳақида тўққинлаб гапириб мумкин. Энг асосийси, тумандаги ижобий ўзгаришлар аҳоли кайфиятига ҳам кўчган. Бу маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувлар, турли тадбир ва мулоқотлар жараёнида акс этмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат достури ижроси доирасида ҳали амалга оширилаётган ишлар қўламини янада катта. Бу борада тумандаги мавжуд 57 та фуқаролар йиғинининг ҳар бирида алоҳида манзилли режалар ишлаб чиқилган. Уларни рўйбга чиқариш учун имкон ҳам, хоҳиш ҳам етарли.

Маҳаммадйўлдош ТўРАЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Норин тумани бўлиммаси раиси.

БОЛАЛАР СПОРТИ

ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАДА УЛҒАЯДИ

Бугун Сардор Бегалиевни чинозликлар фахр билан тилга олишди. Тумanning «Оқолтин» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Сардор 2010 йилда бокс бўйича Боксда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиб, давлатимиз байроғини юксакларга кўтарди: фахрий иккинчи ўринни эгаллаб, қумуш медални қўлга киритди.

Дарҳақиқат, Чиноз туманида спортнинг турли йўналишларида юксак марраларни эгаллаётган яна кўплаб ёшларнинг номини санашимиз мумкин. Буларнинг барчаси маҳаллаларда болаларни ёшлигидан спорт тўғрисидаги жалб этиш натижаси, десак муболага бўлмайди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чиноз тумани бўлиммаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида ҳудудда спортни ривожлантириш, маҳаллаларда болалар спорт майдончаларини ташкил этиш ва мавжудларини таъмирлаш, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

> [4]

БАЙНАМЛАЛ МАҲАЛЛА

БЕБАҶО ФАЗИЛАТДАН БАҶРАМАНД АВЛОД



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Президентимиз Ислам Каримовнинг: «Биз қозоқ, туркман, қирғиз ва тожик халқи билан минг йиллар давомида аҳил бўлиб яшаганмиз ва ҳеч ким бизни бир-биримиздан ажрата олмайди», деган сўзлари асрлар давомида шакланган ва бугунги кунда ҳам тобора қадр топиб бораётган эзгу анъана ва қадриятларнинг муштараклигини ифода этади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизнинг барча маҳаллаларида турли миллат вакиллари аҳил-иноқликда истиқомат қилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалла фуқаролар йиғинида 17 та миллат вакиллари, жумладан, қозоқ, тожик, украин, уйғур, корейс, рус, грузин, чечен, арман, дунган, қрим-татарлар бир оила аъзоларидек тинч-тотув, аҳил-иноқликда умргузаронлик қилаётди.

Маҳалламизда ҳар бир хонадон, айниқса, кам таъминланган оилалар эътиборидан четда эмас, — дейди «Роҳат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсуним Чуланов. — Халқаро болаларнинг ҳимоя қилиш кўни муносабати билан ҳудудимиздаги 580-сонли мактабга таълим муассасасининг 28 та эҳтиёжманд оила фарзандларига байрам совғалари улашди. Шунингдек, 1 июнь кўни пойтахтимизнинг «Пахтакор» ста-

дионида ўтган «Пахтакор» ва «Гулистон» жамоаларининг учрашуви томоша қилиш учун 10 та ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандларига бепул чипта тарқатилади. Улар орасида турли миллат вакиллари фарзандлари ҳам бор, албатта.

Болажонларнинг ёзи таълими мароқли ва мазмунли ўтказишларида маҳалла фаолларининг ҳам ҳиссаси катта. Йиғин ҳақидаги «Олтин балиқча» спорт-соғломлаштириш мажмуасига ҳудуддаги 30 қариндош қўшниқдан 30 нафар яқин кам таъминланган оила фарзандлари жалб этилди. Улар таълими шу ерда мазмунли ўтказишлари билан бирга, хорижий тилларни ўргатадиган турли тўғрақларга қатнашиш имконига эга бўлади.

Маҳалла масъул котиби Муҳаббат Сурмонованинг айтишича, йиғин фаоллари ташаббуси билан ҳудуддаги «Кўёш нури» болалар

истироҳат боғида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари Халқаро болаларнинг ҳимоя қилиш кўнида бепул ҳордиқ чиқаришди.

— Уларим 293-умумтаълим мактабининг иккинчи синфида таълим олади, — дейди Сувос даҳаси 47-уй 25-хонадонда яшовчи, қрим-татар миллатига мансуб Альбина Илимбаева. — Анчадан бери Александр ёнимизда очилган янги истироҳат боғига олиб чиқишимизни илтимос қиларди. Маҳалла фаоллари буни биландек байрамга муносиб туҳфа ҳозирлашди: фарзандимнинг боғда турли аттракционларда учиб, ҳордиқ чиқариши учун чипта беришди. Оиламиз билан бундан жуда мамнун бўлдик.

Ҳа, бугун юртимиздаги кўп миллатли маҳаллаларнинг қайси бирига борманг, албатта бу ердаги тотувлик, бағрикенгликни қўриб қувонасиз. Каттаю кичик миллати, динидан қатъи назар, бирдек йиғин эътиборида. Айниқса, ёлғиз кексаларга ҳурмат қўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фуқаролар йиғинларининг асосий вазифаларидан.

«Роҳат» маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари хайрли ишга қўл урди: ҳудуддаги тадбиркорларнинг ёлғиз кексаларга бириктириб қўйди. Айни пайтда «Надир Носир» хусусий корхонаси 6 нафар турли миллат вакиллари билан иборат ёлғиз кексанинг аҳволидан хабар олиб туради. Қувонарлиси, йиғин фаолларининг бу ташаббусидан ёндош «Зилола», «Мажнунто» ва «Миришкор» маҳаллалари мутасаддилари ҳам ўрнак олмақдалар.

Дарвоқе, халқимиз машаққат-

ли пайтларда қўллаб-қувватлаш вакиллари бағрига олган. Оғир дамларда улар билан бир бурда нонни баҳам кўрган. Корейс, татар, турк, бошқир, дунган, грузин, чечен, озарбойжонлар юртимизда уларнинг иккинчи Ватанларини топганлар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она-Ватандир. Улар шу ерда туғилдилар, ўқидилар, ўзбек халқининг меҳр чашмасидан баҳраманд бўдилар.

Қрим-татар халқининг атоқли фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубовнинг айтишича, жаҳон тамаддуни ютуқлари ҳақида гапирганда, одатда Юнонистон ва Италиянинг фанга, Англия ва Франциянинг маданиятга, Германия ва Американинг техникага, Япония ва Швейцариянинг технологияга қўшган ҳиссаси тилга олинади. Агар бу рўйхатни давом эттириб, зўғулик, тинчлик, миллатлараро тотувлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар борасида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторга Ўзбекистонни қўйиш зарур. Агар бу бебаҳо инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларга баҳо берилмаган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлади.

Албатта, бу сўзлар ҳар бир ўзбекка гурур ва ифтихор бағишлайди. Айни пайтда, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик каби бебаҳо фазилатларни авлодларга безавол етказишда фуқаролар йиғинлари ўзига хос кўприк вазифасини ўтаётди.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

ХАРИДОР ҲАМ, ДЕҲҚОН ҲАМ НАФ КЎРАДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

«Ерни боқсанг, ер сени боқди», дейди доно халқимиз. Буни амалда исботлаётганлар ораимизда кўп. Паркент тумани «Гулбоғ» маҳалласида яшовчи Дониёр Исмагуллаев ана шундайлар сира-сидан. У томорқасининг саккиз сотихида помидор етиштиради. Экин майдонининг ярмига иссиқхона қурган.

«Голланд» нави помидорнинг харидори кўп, — дейди деҳқон. — Бозори чаққон бўлишининг омили — сифати тез бўлмайди. Даромади яхши. Қисқаса, «голланд»дан харидор ҳам, деҳқон ҳам наф кўради. Шунинг илоҳати оғир, биз иссиқхонамизда айни шу навадан парваршиш қиладик. Меҳнати бироз мушкул, эътибортаб. Экин жараёнидан то ҳосилга киргунча синчков бўлмасангиз, ҳосил унумдорлигига пу-тур етиши мумкин. Ниҳоллар ораси 80 сантиметрга 40-50 сантиметр масофада бўлса, бир-бирига ҳалақит қилмай ўсади. Ун йилдан бери помидор етиштириб кам бўлмадик. Сўнгги ҳосилни бозорга чиқардик. Ҳар бир ниҳолдан 5-6 килограммгача маҳсулот оламиз.

Дониёр Исмагуллаев томорқасининг бир қарич ерини ҳам бўш қўймайди. Помидор уруғларидан кўчат етиштириш ҳам йўлга қўйган.

— Бу йил иссиқхона учун мўлжалланган «голланд» навадан синов учун эқдик. У маҳаллий наварга нисбатан касаликка чидамли, иқлим шароити-мизга мос. Ниҳолларни етиштиришда табиий ўғитлар билан ўз вақтида озик-лантириш самара беради. Сувни кўп

талаб этади. «Гулбоғ»да ҳамма бирор юмуш билан банд. Энг муҳими, у ерда томорқадан унумли фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Деярли ҳар бир хонадон эгаси ундан катта наф кўрмоқда.

— Маҳалламизда 480 дан зиёд оила мавжуд, — дейди «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бегзод Эгамбердиев. — Йиғин қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари томонидан томорқачиликни ривожлантириш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Натияжа ёмон эмас. Ҳатто 66 та намунавий тур-рар-жой эгалари ҳам томорқасидан илк ҳосилни олиб бўлишди. Улар, асосан, помидор, бақчалар етиштиришди. Ҳозир кўпгина хонадонлар помидордан мўмайгина даромад олашапти.

Ҳа, йиғин фаоллари ва тегишли комиссия аъзоларининг тарғибот-ташвиқоти натижасида кишилар янгиликка интилиб, турмуш фаровонлигини таъминламоқдалар.

Баҳодир ҲАЛИМОВ «Mahalla»

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

СИФАТ ВА НАЗОРАТ — БИРЛАМЧИ ОМИЛ

Албатта, ширкат томонидан куз-киш мавсумига тайёргарлик ишларининг тизимли равишда олиб борилаётгани бежиз эмас. Гап маблағ масаласига бориб тақаммоқда.

— Базан мажлис ёки бирор йиғин баҳона ҳамкасбларим билан учрашиб қолганимда улар ўз мижозларининг қардорлигини вақтида ундиритишма-ётганидан шикоят қилишди, — дейди ширкат раиси Санжар Шаролов. — Бизда эса сўнгги уч-тўрт йилдан буён бирорта мижозимиз йилни қарз билан якунламади. Сабаби оддий: аҳоли ўзига кўрсатилмаётган хизматдан кўнгли тўлса, ҳеч қачон тўловни пайсалга солмайди. Хизмат ҳақини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб, моддий аҳволини барқарорлаштираётган корхонада янада яхшироқ ишлаш учун маблағ ва шароит етарли бўлади.

Айнан мана шу омил ўтган куз-киш мавсуми арафасида уларнинг таъмин-ланиши, йўлакларда пардоз ишлари олиб борилишига сабаб бўлди. Саккизта унинг совуқ сув тармоқлари янги-ланди. Чиқиндиҳоналар янги тартиб асосида қайта барпо этилди. Шу боис айни пайтда сантехник, электр пайванд-ловчи каби саккизта мутахассис фао-лият юритаётган ширкат аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётган.

Айтиш жоизки, куз-киш мавсумига муносиб тайёргарлик кўриш борасида вилоятда махсус дастур асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудуддаги жами 1359 та кўп қаватли уй-нинг 26 тасида мукамма ва 1324 тасида эса жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ушбу мавсумда электр, табиий газ, иссиқлик тизими, ичимлик суви хизматлари узлуксизли-гини таъминлаш мақсадида ҳам тегиш-ли тизимларда мукамма ва жорий таъ-мирлаш ишлари олиб борилди.

Ҳудудларда санитария ҳолатини ях-шилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил қилишда маҳалла фуқаролар

йиғинлари томонидан жамоатчилик на-зоратининг кучайтирилгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

— Мазкур қарор асосида хусусий уй-жой муқдорлари ширкатлари, сани-тария-эпидемиология маркази, табиий газ, электр, ичимлик суви, иссиқлик энергияси етказиб берувчи корхоналар ва бошқа хизмат кўрсатиш идоралари фаолиятини танқидий баҳолаб, улар-нинг хизматини меъёрий ҳужжатлар асосида қайта ташкил этиш ҳамда уш асосда узаро ҳамкорликни таъминлаш ва кучайтириш бўйича жойларда му-каммал тизим шакллантирилади, — дей-ди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоиров. — Ушбу йўналишда ишлаб чи-қилган ҳудудий дастур асосида ўтган даврда бевосита бўлимимиз ҳамда фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик на-зорати орқали аҳолига коммунал хиз-мат кўрсатиш сифатини ошириш бора-сида бирмунча ишлар амалга оширил-ди. Масалан, фондининг Бухоро шаҳар бўлимида жамоатчилик ташаббуси бил-ан «Широбудин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги «Талча» ва «Аван-тарж люкс» хусусий уй-жой муқдори ширкатига қарашли 229-ва 231-уйнинг ертўлаларида тўпланиб қолган сув бар-тараф этилди. «Шарқ Юдузи» маҳал-ла фуқаролар йиғини ҳудуддаги Кукса-рой кўчаси 13-уйнинг, «Хўжа Гунжор-ди» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуд-даги Мирдўстим 4-муношич, Низомий номидаги маҳаллада электр тармоғи ти-зимидagi узил-шилларнинг одди олинди.

Муҳтасар айтганда, Обод турмуш йилда аҳоли турмуш тарзини яхши-лаш, сифатли хизмат кўрсатиш усту-вор вазифалардан ҳисобланади. Вило-ятдаги уй-жой муқдорлари ширкатла-ри йиғинлар билан ҳамкорликда фуқа-роларга рисоладагидек коммунал хиз-мат кўрсатишга шайланмоқда.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»



МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Ибратли ташаббус истиқболли лойиҳага йўл очади

Маҳалламиз ҳудудда фаолият кўрсатаётган «Вик Ин-везия» корхонаси ҳам истиқ-болли ишлаб чиқариш тармоқ-лари сирасига қиради. Корхо-нада 5 тоннадан ортиқ сўт маҳсулотлари қайта ишланиб, кўрүк сўт тайёрланади.

Ун беш миң нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қи-лаётган Тинчлик шаҳарча фу-қаролар йиғинида бандликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқлари салоҳиятини ошириш, янги имкониятлар-ни ишла солиш борасида да-стур ишлаб чиқилган. Тадбир-кор Наргиза Алижоновна та-шаббуси билан сўт ва сўт маҳ-сулотлари ишлаб чиқарувчи оилавий корхона, Уктамжон Қосимов эса нон ва нон маҳ-сулотлари тайёрловчи янги ишлаб чиқариш тармоқлари-ни ишла туширди. Манзура-хон Файзиматованинг сый-ҳаракатлари билан ташкил этилган «Соғлом аёл маркази» ҳам ўнда янги иш ўринлари яратиб имконини берди. Мар-казда маҳалла аёлларини со-ғломлаштириш билан бирга, уларга сифатли маиший хиз-мат кўрсатишмоқда.

Иш ўринларининг кўпа-йиши натижасида оилавий келишмовчилик, ҳуқуқбузар-лик ва жиноятчилик каби салбий иллатлар барҳам то-лмоқда. Қолаверса, тадбиркор-лар ижтимоий ҳимояга муҳ-



тож аҳоли қатламларига мо-дий ёрдам кўрсатишяпти. Яқинда 19 нафар кишига ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсу-лотлари тарқатилади. Бундан ташқари, икки километрга йўлга шағал ётқизибли, ас-фальтланди. Ёшлик кўчасига юқори кўчанишидаги транс-форматор ўрнатиб берилди. Маҳалла ҳудуддаги бўш ерда футбол майдончаси қурилди.

— Келгусида чеварлик билан шугулланадиган хотин-қизлар учун 240 та тикув ма-шинаси тарқатмоқчимиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жа-моат фонди Олтиарқ тумани бўлими раиси Мирза-рахмон Эргашев. — 300 дан

Расул КАМОЛ «Mahalla»

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

КЎЧМАС МУЛК ТАСАРРУФИ

Ҳаётда кўчмас мулк атамасига кўп дуч келамиз. Бу фақатгина ҳуқуқий тушунча бўлиб қолмай, кундалик турмушимизда асқатадиган қадрдон уйимиз, иш фаолиятимизни олиб борадиган кўркам иншоотлар маъносидан ҳам аҳамиятлидир.

Кўчмас мулкни тасарруф этиш, яъни сотиш, сотиб олиш, айирбошлаш, ҳада қилиш ва ҳада сифатида олиш тартиби кўпчилик фуқароларимизни қизиқтириб кел-ган. Жумладан, маҳалла фуқаро-лар йиғинидаги ҳуқуқий саводхон-ликни ошириш борасида ўткази-лаётган суҳбатларда ҳам айни ма-взудаги саволлар кўп тушади. Зеро, қортоқларимиз фаровон турмуш кечирishi мақсадида уй-жой, имо-рат тиклаш, бошқа турли мулклар-ни сотиб олишга интилади.

Мулкнинг бу турини тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси-нинг Фуқаролик кодексида алоҳи-да белгилаб қўйилган. Унга қўра, кўчмас мулкнинг одди-сотида шар-тномасига биноан (айирбошлаш) ва ҳада шартномаларига нисбатан ҳам одди-сотида шартномаси талаб-лаётган суҳбатларда ҳам айни ма-взудаги саволлар кўп тушади. Зеро, қортоқларимиз фаровон турмуш кечирishi мақсадида уй-жой, имо-рат тиклаш, бошқа турли мулклар-ни сотиб олишга интилади. Кўчмас мулкни сотиш шартнома-

си одди-сотида шартномасида та-рифлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади.

Базми фуқароларимиз кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг ўтши-ни давлат рўйхатидан ўтказмасга ҳам бўлса керак, деган мулоҳаза-га боришади. Ҳолбуки, кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик ва уни давлат рўйхатидан ўтказмаслик унинг «ҳақиқий эмас», деб топи-шига сабаб бўлади.

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганда эса, улар жойлашган ва ундан фойда-ланиш учун зарур ер участкаси-га бўлган ҳуқуқ сотиб олувчига то-ширилади лозим. Сотивчи со-тилаётган кўчмас мулк жойлаш-ган ер участкасининг муқдори бўлган тақрирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қис-мига мулк ҳуқуқи ёки ижара

ҳам назарда тутилиши шарт.

Уй, квартира, уйнинг ёки квар-тиранинг бир қисмини сотиб олар эканмиз, албатта, тузилган шарт-номани нотариал тартибда тасдиқ-латишимиз, давлат рўйхатидан ўтказишимиз зарур.

Ҳозирги кунда кўпчилик тад-биркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида биноларни сотиб олиш истганини билдиришмоқда. Чиндан ҳам, харидорлар корхона-ни қўнунда белгиланган тартибда бутун мулкни мажмуа сифатидаги-на тасарруф эта оладилар.

Бундан ташқари, қўнун доира-сида муқдорлар ўз мол-мулкларини айирбошлашлари, ҳада қилиш-лари мумкин.

Маҳсума ОРТИҚОВА, Миробод тумани 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.

БОЛАЛАР СПОРТИ

ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАДА УЛҒАЯДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Туманимизда 64 та фуқаролар йиғини фаолият курсатмоқда. — дейди бўлима раиси Анвар Собиров. — Шундан ўттизта яқин маҳаллада болалар майдончаси, хусусан, 56 та мини футбол, волейбол, кураш заллари мавжуд. Уларда 8 минг нафардан зиёд ёшлар спорт билан мунтазам шугулланиб келишмоқда. Яқинда ҳудудимиздаги «Ишчилар» маҳалласида 20х40 ҳажмдаги ҳамда «Хужа» маҳалла фуқаролар йиғини атрафида 4х24 ҳажмдаги сунъий қопламали футбол майдончасининг ишга туширилгани фикримиз далилидир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими фуқаролар йиғинлари ва тегишли ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида иш юритаётгани бу борада кутилган самарани бермоқда.

— Ёшлар келажагимиз, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими мутахассиси Исмомидин Муминов. — Шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, спорт билан шугулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш асосий мақсадимиздир. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкорликда ёшларнинг спортининг футбол турига жалб қилиш мақсадида яқинда «Қози» маҳалла фуқаролар йиғинида яна бир сунъий қопламали футбол майдончаси ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, Мустақиллик байрами арафасида Эски Тошкент, Яллама қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидан ҳам ана шундай майдон фойдаланишга тошпирилиши кўзда тутилган.

Албатта, спорт болаларни соғлом турмуш тарига йўнал-

тириш билан бирга, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида ҳам муҳим омили саналади. Фонд туман бўлими тасмадан маҳалла-ларда «Футболмиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Ўзбек жанг санъати», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» каби турнирлар юқори савияда ташкил қилинмоқда. Ушбу спорт мусобақаларига қатнашаётган ёшлар сони йил сайин ортиб бораёттир.

— Ҳудудимизда футбол майдончасининг фойдаланишга тошпирилиши ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб камол топишларида қўл келади, — дейди Эски Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Туҳқин Ботиров. — Қишлоғимизда футбол майдончасидан ташқари, сузиш ҳавзаси ва бокс зали ҳам ишга туширилди. Демак, қўлаб ёшлар ана шу спорт турлари билан шугулланиб, вақтларини сермазмун ўтказишади.

Дарҳақиқат, Эски Тошкент қишлоғида сузиш ҳавзаси ва бокс залини бунёд этиш буйича чора-тадбирлар 2014-2015 йиллар дастурига киритилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан Фондининг туман бўлими ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда баскетбол ва волейбол майдончаси ишга туширилгани айтиш мумкин бўлди. Қишлоқдаги кураш залда эса, ёшлар миқдори кураш билан машғул.

Ҳа, юртимизда маҳоратли спортчи ёшлар кўп. Бу эса ҳукуматимиз, турли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эзгу савб-ҳаракатлар натижасидир.

Раҳимжон ШЕРҚУЛОВ «Mahalla»

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

ЮТУҚЛАР — ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Зайниддин «Бодомзор» маҳалласининг одобли йигитларидан. Унинг ўқишлари аъло, юриш-туришига тенгдошлари ҳавас қилишади. Кўчада қўлини кўксига қўйиб, катта ёшли инсонлардан саломини канда қилмайди. Бироқ охириги пайтда унинг хулқ-атворида салбий ўзгаришларни сездим.

Маҳалла фаоллари билан биргаликда онасини чакиртириб, фикрини сурадик. У ҳам фарзандининг алламаҳалгача ухламай, компьютер олдидан жимай қолганини айтди.

Кундалик турмушимизда бу каби воқеалар кўпайиб учрайди. Тарбияли болаларимиз ҳам баълоғат давридаги ўзгаришлар сабабми, ана шундай энгилликча берилиб қолаётганларидан кўз юмиб бўламайди. Назаримда, бундай вазиятларда ота-оналар, маҳалла ва таълим муассасалари ходимлари эътибор курсатишлари лозим. Фарзандининг аъло ўқиши, замонавий технологиялардан хабардор бўлиши истаган ота-оналар ўз маънавиятидан ортириб, топган тутганидан ортириб, «боламга» деб телефон, компьютер, интернет каби қўлайликларни яратиб бераётган экан, унинг бу имкониятлардан қандай фойдаланаётгани билан ҳам қизиқиб туришлари зарур.

Мен «Бодомзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний таърифи ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси сифатида иш жараёнида, энг аввало, ёшларни бугунги кунда «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганман. Чунки онги, фикри миллий маънавият билан ситорилган ёшлар эртага жамият учун фойда келтирадиган фуқароларга айланади. Шу сабабдан ҳам бу борада фуқаролар йиғинида, хонадонларда қўлаб тадбирлар, очиқ мулоқотлар, ота-оналар ва фарзандлар билан яқна тартибда суҳбатлар ўтказилган.

Хотин-қизлар, айниқса, ёшларни ёт ва зарарли оқимлар таъсиридан асраш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ҳуқуқий, тиббий са-водхонлигини ошириш, «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш, «Ота-оналар университети» фаолиятини тўғри йўналтириш борасидаги камтарона ҳаракатларим фуқаролар йи-

гинларининг «Энг намунавий диний таърифи ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси» куриктанловининг Тошкент шаҳар босқичида голубикни қўлга киритишда асосий омилардан бири бўлди.

Ҳудудимизда мактаб биноси мавжуд бўлмасда, маҳалла болалари туманимизда жойлашган 70, 105 мактабларга қатнашади. Таълим муассасалари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, ҳафтанин ҳар чоршанбасини «Ҳуқуқий саводхонлик кўни» деб белгилаганмиз. Шу кунни ҳудуд профилактика нозир Обурў Қодиров, сардор Хусан Тошпўлатов ва бошқалар билан ҳамкорликда маънавий-таърифи тадбирлар ташкил этмоқдамиз. Ҳафтанин ҳар шанба кунни мунтазам равишда мактаблар ва фуқаролар йиғинида спорт мусобақалари ўтказилади. Маҳалла ёшларининг спортга жалб қилиниши натижасида ҳудудимиздан Ойбек Тошпўлатов, Турдибек Исмагулаев, Азизбек Нейматхужаев каби тазквондо буйича республика чемпиони етишиб чиқди.

Тадбирларни ўз вақтида ҳужжатлаштириб боришим танловининг ҳужжатлар билан ишлаш босқичида менга жуда қўл келди.

Хотин-қизларнинг орзу-интилишларини қўлаб-қувватлаш ҳам маҳалла маслаҳатчи-



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

сининг асосий вазифалари сирасига киради. Уларнинг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлида йиғинда «Фаол аёллар гуруҳи»ни ташкил этдик. Маҳалланин моддий ва маънавий кўмагини ҳис этган хотин-қизлар илму таърифи, тадбиркорлик, хунармандчилик каби соҳаларда қўлаб ютуқларга эришмоқда. Хусусан, жорий йилда фидойи аёлларимиздан Маҳбуба Тошпўлатова «Энг намунавий оқила аёл» куриктанловининг Тошкент шаҳар босқичида 2-уринни қўлга киритди.

Оилаларда соғлом муҳитни

шақлантириш мақсадида бир гуруҳ маҳалла фаоллари билан хонадонларга таширф буюриб, вазиятни урганиб бормоқдамиз. Фуқароларга моддий ёрдам ажратиб, уларни иш билан таъминлаш, салбий таъсирларга берилишларининг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Натижада шу пайтгача ҳудудимизда воёга етмаганлар, хотин-қизлар уртасида жиноятчилик, диний ақида-парастикка мойиллик ҳолатлари қайд этилмади.

Ютуқларга эришиш учун, аввало, меҳнат, изланиш керак. Маҳалла маслаҳатчилари ҳам йиғин аҳлининг орзу-истаклари юриш-туриши, режалари билан қизиқса, уларнинг маънавияти урганиб бормоқдамиз. Фуқароларга моддий ёрдам ажратиб, уларни иш билан таъминлаш, салбий таъсирларга берилишларининг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Натижада шу пайтгача ҳудудимизда воёга етмаганлар, хотин-қизлар уртасида жиноятчилик, диний ақида-парастикка мойиллик ҳолатлари қайд этилмади.

Муборак АБЗАМОВА, Юнусобод тумани «Бодомзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний таърифи ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси.

ТАДБИР

«Юрт обод — диллар шод»

Бугун гўзал Хоразм воҳаси бўйлаб кенг миқёсда бунёдкорлик, ободонлаштириш, яратиб ва яшнатиб ишлари қизгин давом этмоқда.

Шаҳар ва қишлоқлар кун сайин чирой оцаёттир. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бўлаётган ўзгаришларга катта ҳисса қўшаётган эдошларимизга маънавий мадад, илҳом, рағбат бағишлаш мақсадида Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида воҳа бўйлаб «Юрт обод — диллар шод» деб номланган маданият-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Хива туманидаги Дошқў қишлоғида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда кекса деҳқон Сейдим Сафоев, қишлоқ фуқаролар йиғини профилактика нозир Бахтиёр Сафоев, 21-умумтаълим мактаби директори, йиғин хузуридаги Экология ва табиғий муҳофизат қилиш, ободонлаштириш ва кўчалар-муҳофизатчи бўйича комиссия раиси Мағекуб Машариповлар ҳудудда олиб борилаётган яратувчанлик ишлари борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Тадбирнинг адабий-бадий қисмидан сунг қишлоқ мактабларидаги фаол ёшларга спорт анжомлари ва бошқа совғалар улашди.

Абдулла САФОЕВ «Mahalla»

КАРАТЭ

«ОЛТИН ВОДИЙ» СОВРИНДОРЛАРИ республика кубогига беллашадилар



Уял сурати.

Айни вақтда Наманган вилоятида спорт билан шугулланувчилар учун 8,1 мингдан зиёд турли секция ва бўлимлар ташкил этилган. Машгулотларга 524 минг нафардан ортиқ киши мунтазам қатнамоқда.

Вилоят ёшлари кейинги йилларда бокс, каратэ, кураш, кик-боксинг, сув спорти йўналишларида ўтказилган республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли уринларни қўлга киритишмоқда. Утган йили наманганлик спортчилар тўплаган медаллар сони 603 тани ташкил этди. Обод турмуш йилидаги мақсадлар эса янада улкан. Шу боис вилоятда спортнинг барча турларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Яқинда Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида шаҳқона яққакуррагининг шотокан каратэ тури буйича болалар ва усмирлар ўртасида «Олтин водий» биринчилиги бўлиб ўтди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва мо-

Жамшид БЕК «Mahalla»



Кучли ер силкиниши

Россия Федерациясининг Кемерово вилояти Беловск туманида рўй берган зилзила сунгги 100 йилликда мазкур ҳудуддаги энг кучли ер ости силкиниши сифатида қайд этилди.



Зилзила эпитмаркази Бачатский кўмири қонида

бўлиб, унинг магнитудаси турт километр чуқурида 5,6 балдан бошланиб, 9 балда яқунланган. Буни эса техноген зилзилалар ичида жаҳон рекорди, деб тан олиш мумкин. Чунки у 13 марта такрорланган.

Туманда айни пайтда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Қузбас шахталарида иш тўхтатилган.

Қочоқлар сони ошмоқда

Дунёда мажбуран бошпанасини ташлаб қучиб юрган инсонлар сони қарийб 45,2 миллионга етди.



БМТнинг қочоқлар иши буйича бошқармаси Олий комиссарининг (UNHCR) эълон

қилган ҳисоботида қайд этилганича, бу сунгги 18 йил ичида энг катта кўрсаткичдир. Бироқ бу кўрсаткичга жорий йилда мамлакатни тарк этган Сурия аҳолиси киритилмаган. Қочоқлар сони буйича 32 йилдан бери Афғонистон биринчи уринни эгалламоқда. Уларни қабул қилиш буйича 2012 йилда 1,6 миллион қочоқни қабул қилган Покистон пешқадам. Иккинчи уринда Эрон, учинчи уринда эса Германия қайд этилган.

Автобус ҳалокати

Перу марказида йўловчи автобуси 50 метрлик трассадан тарма дарёсига қўлаб тушди.



Оқибатда 30 киши ҳалок бўлди, яна 18 нафари жараҳатланди.

Автоҳалокат Лимадан 370 км. узоқликда содир бўлган. Тахминларга қўра, ҳайдовчи ухлаб қолган. Олти нафар йўловчи бедарак йўқолган. Об-ҳавонинг ёмонлиги қидирув ишларини қийинлаштирмоқда.

Интернет хабарлари асосида Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

«УКТАМХОН НУР ЗИЁ» Уқув маркази ўқишга таклиф қилади! Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади. Аёллар астарлик кўстим-шиши 1-2 ой Бисер тикшиш 2 ой Туй ва оқшом либослари 1-2 ой Сунъий гул 1 ой Бичиш-тикиш, моделлаш 1 ой Рус тили 3 ой Малака ошириш 1 ой Инглиз тили 3 ой Ўзбек миллий таомлари 1 ой Турк тили 3 ой Уйғур таомлари 1 ой Математика 3 ой Аёллар саргарошлиги 3 ой Тўқувчилик 3 ой Туй, оқшом турмаги, макياج 1 ой Карвинг 3 ой Гузаллик салонига тайёрлаш 1 ой Торт ва пишириқлар 2 ой Элита пардалар тикшиш 1 ой Торт олий курси 1 ой Элита пардалар олий курси 1 ой Бухгалтерия ҳисоби 3 ой Эркакалар саргарошлиги 2-3 ой Тикувчилик 3 ой Каштачилик, маш.вышивка 3 ой Сердо қути, саватлар ясаш 1 ой Бархотдан дархат, гуллар ясаш 1 ой ҚўНГҲОҚ ҚИЛИБ, САВОЛАРОНГИЗГА ЖАВоб ОЛИНГ.

УСЛУБИЙ ҚўЛАНМА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙўЛИДА

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, воёга этмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур қўланмада ёшларни назоратсиз қолдирмаслик, уларни тўлиқ равишда ўқишга жалб қилиш, иқтидорли ёшларни қўлаб-қувватлаш, турли танловлар ташкил этиш, рағбатлантириш, битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш, имтиёзли кредитлар олашларида кўмаклашиш, бу борадаги муаммолар ва уларни бар-тароф этиш механизмлари ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, қўланмада фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари академик лицей ва касб-хунар коллежларида олиб борилаётган машгулотлар, уларда ўқувчиларнинг иштирокларини назорат қилиб бориш йўл-йўриқлари ҳам ишлаб чиқилган. Бу, албатта, таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш билан бирга, ўқувчилар, ота-оналар ҳамда таълим муассасалари ходимларининг маъсулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада яхши йўлга қўйиш, услубий ёрдам кўрсатиш, воёга этмаганлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш, нотинч оилаларнинг фарзандларига ҳаётда турғи йўл танашиш ва билим олиш, касб-хунар эгаллаши учун кўмак беришни назарда тутати.

Айни вақтда «Бир болага етти қўшни ота-она» шиори остида яратилган мазкур услубий қўланма асосида ишлар самарали ташкил этилмоқда. Ўқувчиларнинг таълим вақтининг мазмунли ташкил этиш, турли машгулотларга жалб қилиш, тадбирлар ўтказиш мақсадида таълим муассасаси раҳбарияти, маҳалла фаоллари ва участка профилактика нозиридан иборат мувофиқлаштирувчи штаб тузилади. Унга фарзандининг тарбиясига лоқайд ота-оналар таклиф этилиб, улар билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда.

Музаффар ТУРОПОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.